



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
15 октябрь
ШАНБА
№ 82
(12.406)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ПАХТА - 2011

Вилоятимиз пахтакорларининг изчил саъй-ҳаракатлари натижасида давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш шартнома мажбурияти қисқа муддатда ортиғи билан бажарилди.



УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ САМАРАСИ

Қишлоқ ҳўжалиги шундай соҳаки, енгил, иш осон кўчадиган тармоқнинг ўзи йўқ. Беистисно, барча экин турларининг ривожини, ҳосилнинг чўғи деҳқонларнинг малакаси, маҳорати, тажрибаси ва омилкорлигидан ташқари, табиий шарт-шароитларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Айниқса, ғўза техник экин сифатида деҳқонлардан алоҳида муносабат талаб этади. Зеро, "Ғўза ҳавонинг афтига, кўешнинг тафтига қарайдиган экин" деб бежиз айтилмаган. Аммо, вилоятимиз пахтакорлари илғор агротехник тадбирларни маҳорат билан қўллаб, барча майдонларда бирдек мўл ҳосил етиштириш, йиғим-теримни оқилона ташкил этиб, далададаги бор ҳосилни қисқа муддатларда саранжомлаб олишда азалдан бой тажрибага эгалар.

Ана шу кўп йиллик тажриба бу йилги оғир мавсумда, айниқса, иш берди. Таъкидлаш жоизки, бу йил сув ҳар қачонгидан ҳам танқис бўлиши аввалдан маълум эди. Шу боис йиллик меъёрдаги ўғитни июнь ойида бир йўла бериб, икки марта қондириб сўго-



риш аввал бошданок режалаштирилди ва шу тартибга оғинамай амал қилиниши қатъий назоратга олинди.

Вазиятни ҳисобга олган ҳолда, бу йил яна бир янгиликка қўл урилди. Эрта кўкламдан бошлаб, пахта етиштирувчи 2600 га яқин фермер ҳўжаликларига илжи борича кўпроқ майдонга чигитни қўшқаторлаб экиш тавсия этилди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, аввало кўчатдан ютилиб, ҳар гектар майдондан ўртача 5 центнердан қўшимча ҳосил олиш имконияти туғилади. Буни, хусусан, Юқори Чирчиқ

тумани фермер ҳўжаликлари амалда исботлашди. 9185 гектар майдоннинг 1000 гектардан зиёдроғига чигит қўшқатор экилиб, ҳосилдорликни одатдагидан 5 центнер оширишга эришилди. Умуман, бошқа туманлардаги айрим фермер ҳўжаликлари пахта учун ажратилган ҳамма майдонга чигитни қўшқатор қадаб, шартнома мажбуриятларини ҳам барвақт, ҳам анча ортиғи билан бажарди.

(Давоми 2-бетда).



БУЛАР ҲУРМАТГА САЗОВОР

Катта пахта хирмони уйлиб, вилоятимиз маррага етиб келган кунда бу галабага муносиб ҳисса қўшган мўл ҳосил усталари номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда. Янгиёулдаги "Махмудов Ўткир" фермер ҳўжалигида шундай таниқли пахтакорлар меҳнат қилишмоқда.

Улар 149,7 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнерга етказиб ҳосил етиштирилди. Қабул пунктга 400 тоннадан зиёд пахта топширилди. Ҳосил тез ва тоза териб олинишига Ўғилой Шерматова, Рисолат Шомирзаева сингари пахтакорлар муносиб ҳисса қўшишди.

Мавсум давомида терим илғорлари гилам, телевизор ва бошқа кийим-кечаклар билан тақдирландилар, - дейди фермер Гулчехра Махмудова. - Уларга яратилган маданий-маиший шароит теримга юқори суръат бағишлади.

СУРАТДА: илғор теримчиларни рағбатлантириш пайти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЮЗ ФОИЗ БИРИНЧИ НАВГА

"Ёқутхон-Саид" Бўка туманидаги энг йирик фермер ҳўжаликларида. Асосан галла ва пахта етиштирилади. Бу йил 75 гектар майдонда галла парваришлаб, 400 тоннадан зиёд хирмон уйдди. 300 тоннасини шартномага мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун уруғлик галла сифатида топширди.

Дарвоқе, "Ёқутхон-Саид"ни уруғлик ҳўжалик деса ҳам бўлади. 75 гектар майдондаги пахтадан 240 тоннага яқин хирмон уйдди. Шундан 48 тоннаси шартнома мажбуриятига қўшимча топширилди. 130 тонна пахта уруғлик учун қабул қилинди.

Ҳўжаликнинг рўзғори катта. 55 аъзоси бор. С-6524 ғўза навининг агротехникасини яқши билишди. Айнан шу тажрибасув танқислиги ҳар қачонгидан кучлироқ сезилган бу йилги шароитда жуда асқотди. Ишнинг кўзини биладиган сувчилар Абдусодиқ Кодиров, Исло

Муродилла Нуралиев ғўзани чанқатиб кўйишмади. Механизаторлар Содир Фафуров ва Тўлқин Қорабоев тупроқда намни имкони борича узокроқ сақлаш мақсадида қатор ораларини айни вақтда ва меъёрида юмшатиб турдилар.

Терим мавсуми бошланган, 55 аъзо далани деярли тарқ этишмади. Теримга бутун оила аъзоларини жалб қилишди. Шунингдек, 70-80 уюшмаган аҳоли ҳам бўш вақтларида уларга имкон қадар ёрдамлашди. Натижада шартнома мажбурияти 14 иш кунда бажарилди.



биринчи навга топширди, бу ҳам қўшимча даромад дегани.

Гап орасида фермер бошқа бир нарсага ҳам эътиборини қаратди. Ҳўжалик аъзолари бу йил галла ва пахта парвариши жараёнида вақт топиб, беш гектарлик янги боғ барпо этишибди. Асосан олма ва олхўри экишибди. Богимиз икки йилда ҳосилга кирди, дейишди. Демак, "Ёқутхон-Саид" ҳадемай, Бўканинг нафақат энг йирик, шу билан бирга кўп тармоқли фермер ҳўжалигига айланмади.

— Аъзоларимиз бу мавсум том маънода фидойилик кўрсатишди ва шунга яраша моддий манфаат кўрадиган бўлишди, - дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Саидислом Сайдуллаев. - Биринчидан, ҳам галла, ҳам пахтаимизнинг асосий қисми уруғликка

қабул қилинди, бунга алоҳида ҳақ тўланади. Иккинчидан, пахтаимизни асосан

СУРАТЛАРДА: фермер Саидислом Сайдуллаев; тарози-бон Жамшид Ҳақимов, ҳисобчи Ислоҳ Азимов ва теримчи Нигора Бегматова; (чапдан) ишчи Муродилла Нуралиев, механизатор Тўлқин Қорабоев ва иш бошқарувчининг ёрдамчиси Азимжон Асроров.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Таълим, фан, маданият, инсон ҳуқуқлари ва муносабатлар қўмитаси раиси Яром Ермар раҳбарлигидаги парламент делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

ЧЕХИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар кўллаб соҳалар каби парламентаризм йўналишида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Шу кун Чехия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида ҳам музокаралар ўтказди.

Ў.А.

2012 йил учун
ОБУНА
бошланди
«Тошкент ҳақиқати»
газетаси индекси - 205.

